

Mustahkam oila – yurt tayanchi

ODILA DAVTRASIDA

№ 2
(452)
2021-yil
14-yanvar
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



2-бет

**АРМИЯНИНГ
НИМАСИ ЯХШИ?**

«МЕН ҲАМ ҲАРБИЙ
СОҲАДА ЎҚИЙМАН!..»



ХАЛҚНИНГ САБРИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ СИЗ...

Ўчир...
Ҳа-ҳа-ҳах...
Ёқ...
Ҳа-ҳа-ҳах...

3-бет

МИЛЛИЙ ҚУШИН ОРЗУСИ

Ҳарбий кадрларни ҳам четлаб ўтмаган қатағон шамоли



6-бет

7-бет

РАСУЛИ АКРАМ МУЪЖИЗАЛАРИ

Қуръони карим қандай жамланган
ёхуд икки гувоҳлик соҳиби ким?

АРМИЯНИНГ НИМАСИ ЯХШИ?

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қўйилаётган кўрсатувларни кўраётган укам саволга тутиб қолди:

— Ака, армияга нега боргансиз?

— Бошқа эркаклар қатори юртимизни кўриқлаб, албатта ўз бурчимни ўташ учун-да, укажоним.

— Мана, ҳарбий хизматдан келиб, журналистиканинг ҳам ҳарбий йўналишида ўқиясиз. Сизга ҳарбийликнинг нимаси ёқади ўзи? Шаҳдам қадам билан юришларими ёки қўлга қурол олиб, ўзларини «герой» тутишларими?..

Укамнинг бу саволи мени ўйга толдирди. Укам айтганидек хизматга борган илк вақтимда сафда шаҳдам қадам билан юриш ва ўзимга қурол бириктирилишига жуда ҳавасманд эдим. Қасамёд қилдик. Ҳар биримизга қурол бириктирилди. Кўп маротаба ўқ отиш машғулотирига ҳам бордик. Ўзимизга бириктирилган қурол билан ҳар куни постга чиқдик. Бошида кизикарли туюлганларнинг барчаси одадий ҳолга айланди. Сафни-ку айтмай қўя қолай. Эрталабки кўрик, нарядлар алмашуви, постларга тарқатув, овқатланишга бориш, кечки сайр, хуллас, армияда ҳамма нарса саф билан. Бироқ армияга ҳамда ҳарбийларга бўлган ҳурматимни оширган бошқа бир жиҳат бор.

Командирларимиз армияда ҳамма бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши керак, деб уқтиришарди. Кунларнинг бирида ҳарбий қисмимиз командири подполковник Исроил Юнусов биз билан суҳбати давомида айнан шу тўғрисида гапириб кенг тушунча берди.



— Аскарлар, биз сизларни нима учун ҳамжиҳат бўлиб ишлашга ўргатаймиз. Чунки армия занжир, унинг ҳар ҳалқаси бир аскардир. Жангда бир жойда узилиш бўлиб, бир аскаримизни бой берсак, жуда катта йўқотишга учраймиз. Душман битта нуктадан ёриб кирса, қолган нукталаримиз ҳам ҳавф остида қолади. Шу сабабли ҳеч биримизда ҳеч қандай камчилик бўлмалиги керак. Биз кучлимиз. Бирлашсак яна ҳам катта куч бўламиз, — деган эди.

Подполковник Юнусовнинг сўзлари бизга жуда катта дарс бўлганди ўшанда. Ҳамма бир-бирига қандай машғулот бўлишидан қатъи назар яқиндан ёрдам берадиган бўлдик. Бундай вақтда ўзимизда қандайдир енгиллик, қалбан илиқлик ҳис қилардик. Сафдошимизга қўмакла-

шиш аскарлик бурчимизга айланди. Юриш-туришимизни кўрганлар бизга ҳавас билан қарарди. Мана, ҳарбий биродарлик, баракалла деб макташарди.

Мана, армиянинг нимаси ёқади, менга! Қани, энди жамиятимизнинг бошқа жабҳаларида ҳам шундай тартиб ўрнатилса. Ҳамма одам бир-бирига узвий боғлиқ эканини теран ҳис қилиб, ўзаро ёрдамлашиш фақат ҳарбий бурч эмас, инсонийлик бурчи эканини англаса.

Укам бу гапларимни тинглаб жим бўлиб қолди. «Ака, мен ҳам ҳарбий соҳада ўқисаммикан-а?..» — деб маъноли кулиб қўйди.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ,
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика
йўналиши талабаси

Бугун ижтимоий тармоқларда, телеграм каналларию турли оммавий ахборот воситаларида, ҳатто маҳаллада йиғилиб гап сотадиган хотинлар ўртасида ҳам битта мавзу энг кўп муҳокама қилинмоқда. Бу ҳам бўлса — аҳолини газ, электр энергияси билан таъминлашдаги кўзга ташланаётган камчиликлар, аҳолининг энергия таъминотчиларидан кескин норозилиги. Об-ҳавонинг совуши бу муаммоларни тобора чуқурлаштирмоқда. Энг ёмони, бу ҳақда қанча айтилмасин, қанча кўтариб чиқилмасин мутасаддилар томонидан бирор-бир аниқ чора кўрилмаётганидир.

Хўш, мамлакатимизда аҳолини энергия билан таъминлаш нима учун бундай катта норозиликларга сабаб бўлмоқда? Бунинг асосий айбдорлари аслида ким — истеъмолчимиз, етказиб берувчимиз ёки «ўртада турган» бошқа қандайдир бир кучларми?

Тизим автоматлаштирилган, аммо қарздорлик 3,5 триллион

Эсингизда бўлса сўнгги ўн йилнинг бадалига электр ҳисоблагичлар 3-4 марта ўзгарди. Аввалига отам замонидан қолган дискли ҳисоблагичлар электронга ўзгартирилди. Электрон ҳисоблагичлар қўйилиши шарт, дейилганидан кейин ёппасига ҳамма хоҳлаган русумдагисини ўрната бошлади. Кейинроқ, хонадонларга маҳсул чипли, ҳисобидаги маблағ тугаб қолса ўчиб қоладиган ҳисоблагичлар ўрнатилиш бошланди. Албатта, бу ҳам истеъмолчининг ўз маблағлари ҳисобидан. Аммо, кўп ўтмай бу ҳам «бўлмайдиганга» чиқарилди. 2019 йилдан электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилиб, бутун мамлакат бўйича «ақлли» ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари бошланди. Бу ҳисоблагичлар тизимдаги йўқотишларга барҳам бериш, истеъмолчи билан аниқ-ҳисоб китоб қилиш, энг муҳими электр энергияси учун фақат олдиндан тўлов қилиш тизимига ўтиш ҳамда қарздорликка барҳам бериши ҳақида роса кўп айтилди. Истеъмолчи билан муносабатлар инсон омилисиз, автоматик бошқарилиши, истеъмолчи ҳисобидаги маблағ тугаса, ўзи автоматик тармоқдан узиб, тўлов қилингандан кейин эса яна автоматик уланиши бот-бот мактаб гапирилди.

Энди гапни асосий мавзуга бурсак. Яқинда, аниқроғи 28 декабр куни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилган матбуот анжуманида «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов мамлакатимизда электр энергияси тўлови борасида 3 триллион 500 миллиард сўм қарздорлик мавжуд эканини маълум қилди. Унинг кайд этишича, 2020 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, аҳолининг электр энергиясидан қарздорлиги 2 триллион 340 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Бундан икки ой олдин — 1 октябрь ҳолатига кўра эса бу кўрсаткич 2 триллион 380 миллиард сўм бўлган.

Афсуски, бундай катта қарздорлик қандай келиб чиққани, икки йилдан буён қарзга ишламайдиган «ақлли» ҳисоблагичлар ўрнатилаётган бўлса, бундай қарздорлар қандай пайдо бўлгани ҳақида лом-мим дейилмаган.

БЮДЖЕТ ТАЛОН-ТОРОЖЛИГИ

Бу борада энг кўп қинғирлик қилинган вазирлик ва вилоятлар аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг худудий бошқармалари томонидан 2020 йилда бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан амалга оширилган назорат ишлари тўғрисида хабар берилди.

Унга кўра, бюджет пули энг кўп талон-торож қилинган вазирликлар рўйхати тақдим қилинди.

Қайд этилишича, 4 729 та (2019 йилда 8 074 та) назорат тадбирларида 246 млрд. сўм миқдоридан бюджет интизоми бузиш, пул ва товар-моддий бойликлар камомати ва асоссиз харажатлар аниқланиб, шундан 168,8 млрд. сўмни бюджетга тикланиши таъминланди.

Ҳисобот даврида вазирликлар ва идоралар бўйича қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар қуйидагиларни ташкил этди:

Халқ таълими вазирлиги тизимида ўтказилган 709 та назорат тадбирларининг 573 тасида 96,6 млрд. сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (29,8 млрд. сўм) нисбатан 3,2 мартага ошган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилган 723 та назорат тадбирларининг 523 тасида 40 млрд. сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (13,8 млрд. сўм) нисбатан 2,9 мартага ошган.

Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ўтказилган 327 та назорат тадбирларининг 270 тасида 16,7 млрд. сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (8,3 млрд. сўм) нисбатан 2 мартага ошган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида ўтказилган 124 та назорат тадбирларининг 106 тасида 9,4 млрд. сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилга (1,1 млрд. сўм) нисбатан 8,5 мартага ошган.

Шунингдек, **Маданият** (6,8 млрд. сўм), **Сув хўжалиги** (5,6 млрд. сўм), **Олий ва ўрта махсус таълим** (5 млрд. сўм), **Жисмоний тарбия ва спорт** (4,1 млрд. сўм), **Қишлоқ хўжалиги** (3,1 млрд. сўм) вазирликлари ва улар тизимидаги бюджет ташкилотларида ҳам йирик миқдорда молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

«Ўзбеккино» миллий агентлигида ўтказилган назорат тадбирларида 17,9 млрд. сўм миқдоридан молиявий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, ҳокимликлар (3,5 млрд. сўм), ҳокимликларнинг ободонлаштириш бошқармалари (7,8 млрд. сўм), ҳокимиятлар ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари (8,4 млрд. сўм)да ўтказилган назорат тадбирларида ҳам молиявий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Маҳаллий бюджетлар маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида эса жами 175,3 млрд. сўм миқдоридан, жумладан **Қашқадарё** (26,1 млрд. сўм), **Андижон** (19,8 млрд. сўм), **Сурхондарё** (16,5 млрд. сўм), **Фарғона** (14,4 млрд. сўм), **Тошкент** (13,2 млрд. сўм), **Жиззах** (13 млрд. сўм), **Самарқанд** (13 млрд. сўм), **Сирдарё** (12,9 млрд. сўм), **Наманган** (12 млрд. сўм), **Хоразм** (6 млрд. сўм), **Бухоро** (3,6 млрд. сўм), **Навоий** (2,4 млрд. сўм) вилоятларида ҳамда **Тошкент шаҳрида** (13,8 млрд. сўм) ва **Қорақалпоғистон Республикасида** (8,1 млрд. сўм) қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланган.

2020 йилда бюджет муассасаларида ўтказилган назорат тадбирларида 54,5 млрд. сўм миқдоридан нақд пул маблағларини ўзлаштириш (банкдан олинган нақд пулни ташкилот газнасига қирим қилинмаслиги, ишламаган шахсларга иш ҳақи ҳисобланиб, тўланиши ва бошқалар) ҳолатлари аниқланган бўлиб, ушбу қонун бузилиши ҳолатлари ўтган йил (2019 йилда — 7,2 млрд. сўм)га нисбатан 7,5 мартага кўпайган.



ХАЛҚНИНГ САБРИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ СИЗ...



Лекин бир нарса аниқки, ҳозир энг чекка қишлоқдаги энг камхарж оила ҳам хонадониди узлуксиз электр бўлиши учун ҳамма нарсага рози ҳолатга келган. Улар бугун битта эмас, яримтанонесаейдики, аммо қарз туфайли электрсиз қолишни хоҳламайди, вақтида тўлайди.

Фалон триллион қарздор деб аҳоли, истеъмолчини айбдор қилиб қўйишдан осони йўқ. Лекин ўша мутасадди ўттиз-қирқ йилдан буён битта қишлоқда бирорта янги трансформатор қўйилмагани ёки алмаштирилмагани тўғрисида негадир гапиришни хоҳламайди. Нега йиллар бадалига электр энергияси корхоналарига тушаётган пулнинг муайян қисмидан, иктисод тили билан айтганда, зарур воситаларни янгилашга бир сўм ҳам йўналтирилмаган ёхуд жамғарилмаган? Қарздорлик тўғрисида оғзини тўлдириб гапираётган мутасадди булар ҳақида нега индамайди?

Дарвоқе, инсон омилсиз, автоматик ишлайдиган «ақлли» ҳисоблагичлар ҳақида яна бир гап. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири шундай ёзади:

«Бугун соат 17:22 да SMS келди, 2700 сўм қарздорлигингиз учун тармоқдан ўчирилдингиз деган. Бир минут ҳам ўтмасдан ҳисобимни тўлдирдим. Уйга телефон қилсам, свет ўчмаганини айтишди.

Аммо орадан бир соатдан зиёд вақт ўтгандан кейин светимизни ўчириб қўйишибди. Электр тармоқларининг шаҳар, Сергели туман бўлимларига қайта-қайта телефон қилишга уринишимиз бесамар кетди...

Бир кун светсиз қолганим учун эмас, шунчаки анчадан бери мени тинч қўймаётган саволларни айтишга бу баҳона бўлди:

– Нега бизда қонун-қоидалар давлат учун «чёткий» ишлайди-ю истеъмолчига келганда оқсаб қолади?

– Нега қишлоқ жойларда аҳолининг олдиндан тўлаб қўйилган қанча-қанча маблағи электр корхонаси ҳисобида турса-да, истаган вақтда свет ўчирилаверади, лекин бирор марта истеъмолчи ҳуқуқи эсланмайди, аммо аҳоли икки минг сўм қарз бўлиб қолганда «бирданига» қандай ишлаб кетади?

– Тизим автоматлаштирилган экан, нима учун шу автоматик тизим электр корхонаси манфаати учун барқарор ишлайди-ю, истеъмолчи фойдасига бирор марта ҳам адашмайди?

– Ва ниҳоят, бу монополь корхоналар қачонгача аҳолининг устидан кулади?..»

Аччиқ бўлса-да, электр энергияси мутасаддилари олдига ҳақли саволлар қўйилган. Биргина электр тармоқларининг «11-54» ишонч телефониға боғланиш қанчалар азоблиги ёки навбатга 74-бўлиб, икки ярим соат телефонда кутиш нима эканини

наҳотки шу мутасаддилар билмаса?!

Бир томон манфаатига ишлайдиган шартнома

Юқорида истеъмолчи қўйган савол жуда тўғри ва муаммоли. Аслида ҳар қандай шартнома шартлари икки томон учун ҳам бирдек ишлаши шарт, шунинг учун ҳам у шартнома. Яъни сиз тўловни кечиктирсангиз, маҳсулотдан маҳрум бўласиз ёки пеня тўлайсиз. Худди шундай иккинчи томон ҳам сизнинг олдиндан тўлаб қўйган пулингизга вақтида маҳсулотни етказиб бермадим, марҳамат, у ҳам бунинг «жавобини» берсин.

Электр энергияси учун олдиндан тўлов тизимига ўтилди, бу билан таъминотчи истеъмолчини узлуксиз равишда электр энергияси билан таъминлаш мажбуриятини бўйнига олган ҳисобланади. Башарти қарз бўлиб қолса, дарров узиб қўйиш ёхуд пеня ҳисоблаш тамойили ишлайётган экан, олдиндан пулини олишга олиб, электрни етказиб бера олмаган вақти учун таъминотчининг истеъмолчи олдидаги жавобгарлиги белгиланиши керак эмасми?

Ҳозир исталган туман электр тармоқлари корхонасига борсангиз тумонат одам, узундан-узун навбат. Уларнинг аксарияти битта сабаб билан келган: «Ҳисобимга пул ташлаганман, лекин светим ёнмаяпти...» Мана шунинг ўзиёқ шартнома фақат бир томонлама ишлайётганига яққол далил аслида.

Электр энергияси таъминотида узилишлар ҳақида гап очилиши билан дарров аҳолининг қарздорлиги пеш қилинади. Ҳатто қарз ундиришнинг антика усуллари қўлланилгани, ҳатто «МИБ»чилар одамларнинг уйидаги тўшалган гиламигача кўтариб чиқиб кетган вақтлар бўлди. Бирок, негадир аҳолининг «қарздорлиги» ҳеч қамаймайди. Мана, энди автоматик тизимга ўтиб ҳам истеъмолчи манфаати очиқ-ойдин оёқости қилинмоқда.

Электр муаммоси ҳақида гап очилса, ҳар доим «бир хил қўшиқ» такрорланаверади. Шартномалар эса фақат бир томон манфаати учун ишлайверади.



Наҳот, охириги 4 йил давомида соҳада сезиларли ижобий ўзгариш қилиб бўлмаса? Электрон ҳукумат, онлайн хизматлар, рақамли иқтисодиёт деймиз, лекин энергия бўлмаса булардан нима наф? Қайси ислохот «эффект» беради бу ҳолатда? Бундай ҳолат олдимиздаги сайлов йилида рўй беришини қандай тушуниш мумкин? Ёки бу давлат раҳбарининг олиб бораётган сиёсатига қарши атай уюштирилаётган «саботаж»ми?



Махмуд Эшонқулов чизган сурат.

Бугунги сиёсатга қарши «саботаж»ми бу?

Қуни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев ўзининг телеграмдаги саҳифасида кўпчиликнинг дилидаги гапларни ёзибди. Жумладан, депутат шундай дейди:

«Бугун Ўзбекистон бўйлаб энергия инкирози кечмоқда. Айнан ўта оғир кечган 2020 йилдан сўнг, ҳар йилгиданда совуқ келган қиш мавсумида энергия инкирози барчани қийнамоқда! Бу ҳолат нафақат аҳоли орасида кескин норозилик, ижтимоий инкирозни келтириб чиқармоқда, балки иқтисодий фаолликни сусайтирмоқда ҳамда мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир ўтказмоқда. Энг ачинарлиси, энергетика соҳасидаги муаммолар охириги йилларда олиб борилган барча ижобий ўзгаришларни «ювиб юборяпти».

Энди уйлаб кўринг, совуқ қиш, катта оила, на газ, на электр бор. Бу одамлар учун ҳар қандай ислохотлар, ҳар қандай қонунлар, қўпол қилиб айтганда, «бир тийин». Уларга фақат бир нарса керак, энергия таъминоти!

Мурожаатлар бўйича шаҳар, вилоят, республика мутасаддилари кимни айблашни билмайди, бир-бирига солади. Энг охириги жавоб эса, қаердадир авария бўлган ва яқин кунларда ҳаммаси яхши бўлади, деган ваъда билан чекланилади. Энергетика вазирлиги эса 30 йилдан бери соҳага инвестиция киритилмаганли-

Ижтимоий тармоқлар оралаб...

Пойтахтнинг Учтепа «қишлоғи»

Шундоқ жонга тегди.

Уйга келсанг газ наст – овқат қилиш азоб. Ўтин ёқсан, ўчоқда ош бошлайсан.

Эрталаб уйғонсанг, уй – муз. Газ кечаси милтиллаб кетганлигидан тизим ўчган бўлади – бутун уй ях, изиллаб қоласан. Радиаторни ушласанг, қўлинг музлайди.

Болаларинг асабий, ўзинг асабий, сўкинишини билмаганинг учун қарғай-қарғай ишга исиниш учун кетасан.

Ҳурматли раҳбарлар, чироқ эсдан чиқди, ўчириб-ўчириб туринглар. Бўлмаса, қишлоқни шаҳарга эмас, шаҳарни қишлоққа айлантириш лойиҳангиз омадли чиқмайди.

Қишлоқлардаги ҳамюртлар, сабрингизга минг раҳмат.

Азиза КУРБОНОВА

ги ҳақида дардини дoston қилади. Ундай бўлса, 2020 йил 3-чорак якуни бўйича Энергетика соҳасига йўналтирилган давлат ташқи қарзининг 28 фоизи ёки 5,1 млрд. доллар маблағлар қани? Уларни қандай сарфлашмоқда?

Наҳот, охириги 4 йил давомида соҳада сезиларли ижобий ўзгариш қилиб бўлмаса? Электрон ҳукумат, онлайн хизматлар, рақамли иқтисодиёт деймиз, лекин энергия бўлмаса булардан нима наф? Қайси ислохот «эффект» беради бу ҳолатда? Бундай ҳолат олдимиздаги сайлов йилида рўй беришини қандай тушуниш мумкин? Ёки бу давлат раҳбарининг олиб бораётган сиёсатига қарши атай уюштирилаётган «саботаж»ми?

Мамлакатдаги бу ҳолатда энергия инкирози юз беришига сабаб бўлган раҳбарлар истеъфоси энг тўғри йўл бўлади. Аслида демократик давлатларда бундай инкирозлар ордидан раҳбарлар ўз ихтиёри билан истеъфо беради. Лекин бундай қила олиш учун эса, биринчи навбатда, раҳбарда орият бўлиши керак. Бизнинг энергетика соҳа раҳбарларида эса энергетика таъминоти каби орият ҳисси ҳам «инкирозда».

Ҳа, муаммо ҳақиқатдан ҳам жиддий. Бунинг ечими эса соҳадаги монополияга барҳам бериш, фақат таъминотчи манфаатига эмас, аввало истеъмолчи манфаатларига хизмат қиладиган ислохотларни амалга ошириш, тизимдаги коррупция, хўжасизликларга бутунлай барҳам бериш керак. Муаммони фақатгина аҳоли қарздорлигига такаб қўйиш билан иш битмайди. Аҳолидан пул ундиришнинг замонавий шакллариға ўтиляптими, демак аҳолиға хизмат кўрсатишда ҳам замонавий ёндашув керак. Бир вақтлар аҳоли қарздорлиги тўғрисида «Қарс икки қўлдан чиқади» деган сарлавҳали мақолалар кўп ёзиларди. Хурматли электр энергияси мутасаддилари! Ҳақиқатдан ҳам қарс икки қўлдан чиқади, аҳоли олдиндан пулини тўлаб қўймоқда-ми, сиз ҳам зиммангиздаги масъулиятни бажаринг!

Хусниддин БЕРДИЕВ



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШУМАНАЙ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Кўп миллатли халқимизнинг
тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш учун
доимо ҳушёр ва сергак турган ўтюррак ўғлонларимизни,
Қуrollи кучларимизнинг барча ҳарбийларини
14 январь – Ватан ҳимоячилари куни
билан муборакбод этади!

Юраклари ҳамisha Ватан
ҳимоясига шай турган
йигитларимизни шижоат,
ғайрат ва омад
сира тарк этмасин!



*Йигитки, йўлидан қайтмаган,
Душманга сирин айтмаган,
Элу халқини ўйлаган,
Юрт гамхўри керак менга...*

**ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ АЙЁМИ,
МУБОРАК БЎЛСИН!**



Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ҳокимлиги



*Шерюрак ўғлонларимизни,
барча ватандошларимизни
14 январь – Ватан ҳимоячилари куни
байрами билан муборакбод этади!*

*Сизлар миллий армиямиз сафида
ўзингизнинг шарафли ва
масъулиятли бурчингизни
сидқидилдан адо этар экансиз,
юртимиз сарҳадлари мустаҳкам,
хонадонимиз тинч ва осойишта!*

*Бозлардаги етулгуси ҳар мевали шох,
Ризқдир бизга, ризққа доим
дил илинжлиқдир.
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб қучоқ,
Ўғлонларинг мева қадар
бир ширинликдир...*

Байрам муборак, азиз ҳарбийлар!



Туркистон ва ҳарбий салоҳият

Бугун армиядаги миллий кадрлар билан фахрланамиз. Куролли Кучларга асос солинган йилда туғилган йигит 29 ёшда. Офицерликни танлаган бўлса, капитан ёки майор. Ҳаёт йўлини юрт химоясига бағишлаганлар бугун камолот ёшида. Мулоҳазамиз бу ҳақда эмас. Гапни бироз олдинроқдан, туркий халқлар йигитларининг ҳарбий салоҳияти камситилган даврдан бошласак.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1944 йил, 22 июнь, 121-сон. Унда атоқли ёзувчимиз Ойбекнинг «Жаҳон орзуси яқин» номли мақоласидаги қуйидаги парчага эътибор қилинг: «Ўзбеклар жангга жадал билан тўла тарихдан узилганига узоқ вақт бўлган эди. Ҳарбий анъаналар қарийб унутилганди.

1918 йил 9 январда ташкил этилган қарийб 2000 кишилик миллий қўшинни дарҳол куролсизлантириш ва тарқатиб юборишни талаб этмас эди. Бу ҳақда қарор чиқармасди.

«Улуғ Туркистон» газетасида (1918 йилги сонларидан бирода) ёзилишича, 1918 йил январнинг бошларида Қўқон мухториятида аскарлар сони 1000 кишини ташкил қилган. Январ охирига келиб вазир Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа раҳбарлигида ҳарбий кўрик ўтказилган пайтда миллий қўшин сафи 2000 кишига етган. Бир ойнинг ўзида қўшин сафи икки минггача етгани миллатнинг ҳарбий ишга кизиқшини кўрсатмайдими?

Маблағ-чи, таъминот-чи, дерсиз. Бу саволга «Улуғ Туркистон» газетасининг 1918 йил 7 январь сонидан жавоб топилди. Газетада ёзилишича, большевиклар Туркистон банкларини



МИЛЛИЙ ҚЎШИН ОРЗУСИ

Ўтмишининг жасур йигитлари ҳақида жуда қари бобойлар оғзидан гоҳ эртаксимон гаплар эшитиларди. Подшо ҳукумати ўзбек йигитининг шаънига ҳатто оддий пичоқни ҳам муносиб кўрмаган. Аксар ўзбек йигитларининг қадрдон қуроли кетмон эди. Ўзбеклар яратувчи меҳнат эрлари эди. Меҳнат мамлакатимизда шон-шараф ва қаҳрамонлик ишига айлангач, ўзбеклар яратувчи меҳнат соҳасида ҳақиқий мўъжизалар кўрсатди...

Бу билан Ойбек домла нима демоқчи бўлган эди? Жадиқларнинг миллий қўшин тузишдек бешикда бўғизланган орзусини коса тагида нимкоса қилиб айтмаганми ёзувчимиз? Мақола давомида Ойбек шўроларга, иккинчи жаҳон урушида ҳарбий салоҳиятимизни кўрсатишга имкон берган октябрь тўнтаришини алкагандек туюлса-да, асл моҳият бошқа. Назаримда буни камситилган миллат ҳақида дардли сатрлар сифатида қабул қилиш зурур. Зотан, бу ўтли сатрларни битиш учун жасорат керак эди ўша вақтларда.

Белимизга осилган пичоқ

Аслида октябрь тўнтариши сабаб ҳокимият тепасига келганлар подшо ҳукумати мустабид сиёсатининг манتيқий давомчиси бўлиб, бошимизга балоларни ёғдирди. Бу инқилоб бизга ҳеч бўлмаса белимизга осиб олган пичоқни қайтариб бердимиз?

Бу саволга жавобни тарихдан қидирсак. 1917 йил Россия империясида амалга оширилган давлат тўнтаришидан сўнг Ўрта Осиё халқлари ўз миллий давлатчилигига, давлат бошқарув тизимида миллий армиясини тузишга жиддий аҳамият қаратди. 1917 йилнинг 28 ноябрида Туркистон тўртинчи курултойида тузилган Қўқон мухторияти ҳукуматида Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа – мудофаа вазири, 1917 йил 5 декабридан 13 декабригача Оренбург шаҳрида ўтказилган умумқозок курултойида ташкил топган Алашўрда номли ҳукуматга Алимхон Эрмак мудофаа вазири этиб тайинланди. 1920 йил 1 февралдаги Умумхоразм курултойида Ҳасанўғли – ҳарбий вазир, Мирша-рофўғли – бош кўмондон, 1920 йил 6 октябрда қақирилган Умумбухоро халқ курултойида Абдулхамид Ориф – мудофаа вазири этиб тайинланди.

Совет давлати Туркистонга ҳарбий масалалар юзасидан ваколатлар бергандек бўлди. Бу ҳақиқатми ёки сароб? Сароб бўлмаганида Қўқон шаҳар совети пленуми Қўқон мухториятидан

(биринчи мақола)

га қўйилган пулларни мусодара эта бошлагач, хусусий банк эгалари маблағини муваққат ҳукуматга беришга ва заём сотиб олишга ҳаракат қилишди. Мустафо Чўқаев эса миллий заёмларни сотиб олишни кенг тарғиб қилади. Мулкдорлар учун пулини шўро ҳукумати мусодара қилганидан кўра заём сотиб олиш маъқул эди. Бу бир томондан пули талон-тарож қилинмаслигига кафолат бўлса, иккинчи томондан мустақиллик, озодлик йўлидаги шарафли ундов эди.

Бундан ташқари мухториятни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрия маблағлари ҳам туша бошлайди. Масалан, Жалолобод волости Хонобод кишлоғида бўлиб ўтган митингга 500 сўм йиғишиб, Мухторият ҳукуматида юборишган. Озми-кўпми йиғилган маблағлар эса янги қонунлар ишлаб чиқиш ва чоп этиш, матбуотни қўллаб-қувватлаш, миллий қўшинни таъминлашга сарфланган.

Шўролар хавотирида асос бор эди. Вазият шу зайлда кетса, мухторият қаддини тиклаши, куч-қудрати ошиши, миллий қўшини шаклланиши мумкин. Қўқондаги инқилобий кўмита шу боис қурол-яроғни топшириш, ҳукуматни тарқатиш шартини кўяди.

Кейинги воқеалар ривожини – қонга ботирилган мухторият кўпчилигига маълум. «Туркистон – туркистонликлар учун» шиори остида мухториятнинг мана шу кичик миллий қўшини шўроларнинг қизил гвардиячилар, австро-венгер ҳарбий асирлари ва арман дашноқларидан ташкил топган, тиш-тирноғига қуролланган қўшинга қарши уч кун мардонавор курашди. Белимизга осилган пичоқ кинидан чиқди. Бироқ пичоқ билан милтиққа қарши бориш...

Ҳарбий тузилмаларга сиёсий қатағон

Шўроларнинг амали ва ихлоси тўғри келмаган яна бир воқелик. 1924 йилда Ўзбекистон коммунистик партияси биринчи съездида «Миллий қўшилмалар тўғрисида» қарор қабул қилинади. Аммо совет давлати ва унинг армияси миллий мудофаа тизимини шакллантиришга қатъий қаршилиқ кўрсатди.

Бунга битта мисол келтирсак. Бу 1937 йилдаги сиёсий қатағон.

Бешта республикани куч ва қурол билан жиловлаб туришга, кишанларни янада қаттиқроқ тортишга масъул ҳарбий идора – Ўрта Осиё ҳарбий округига қаратилган қатағонни назарда тутяпман. Шу баҳонада миллатнинг ҳарбийликка салоҳиятли фарзандлари қирғин қилинганини назарда тутяпман.

Миллатнинг жасур ўғлонлари ҳақидаги эртак китобдан ҳаётга кўчмаслиги керак эди. Гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор белимиздаги пичоқдан кўркишарди. Бу бир ҳаяжон эмас. Қўлимизда далил бор. Воқеликка россиялик олим Сергей Павловичнинг 2019 йилдаги «Ишчи-деҳқон қизил армиянинг Ўрта Осиёдаги миллий ҳарбий тузилмалари тарихи (1920-1938 й)» мавзусидаги диссертацияси орқали йўл оламиз.

Россия давлат ҳарбий архивида сақланаётган ҳужжатдан олим иқтибос келтиради. Унда НКВД 1937 йил сентябрда Ўрта Осиё ҳарбий округидаги қўшинларда турли буржуа-миллатчилик ташкилотлари ишини фош қилгани баён этилади. Бу даврни шўронинг миллатимиз зиёлиларига қаратилган қатағон даври сифатида ўқиганмиз. Буни қарангки, ҳарбий кадрларга ҳам унинг шамоли этиб келган.

Туркистоннинг илмий, ҳарбий салоҳиятидан кўркув бор эди мустабидларда. Шунинг учун ҳам бу юртда шон-шараф иши кулликка асосланган меҳнатга, қурол кетмонга узил-кесил айланиши керак эди. Чор Русияси зулмидан-да кучли зулм машинаси ишга тушганди.

Маълумот учун: СССР Реввоенсоветининг (шўролар инқилобий кенгаши) 1926 йил 4 июндаги 304-сонли буйруғига мувофиқ Туркистон fronti Ўрта Осиё ҳарбий округи сифатида қайта ташкил этилади. Кейинчалик Туркистон ҳарбий округи деб номланади.

Истиклол, миллий озодлик орзусини таг-томири билан қуриш, минтақани таъсир доирасидан

чиқармаслик каби ҳарбий-сиёсий мақсад кўзланган бу ҳарбий-маъмурий бирлик ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Мавзуга дахлдор воқеликка қайтайлик.

НКВД қайдларидан иқтибос келтиришда давом этамиз. Унга кўра, Ўрта Осиё ҳарбий округидаги 20-тоғ кавалерия дивизияси ҳақида 1937 йил 20 сентябрида шундай ёзилган: «Тожиқ аксилинқилобий буржуа-миллий марказининг топшириғига кўра дивизияда саботаж ишлари билан шуғулланган аксилинқилобий буржуа-миллий ташкилоти фош этилди». Ҳужжатда НКВД томонидан дивизиядаги қуйидаги ҳарбийлар ҳибсга олингани келтирилади: Носиров, Одилов, Ваҳобов, Жарман Мамед, Мирзабоев, Фозилов, Жарман Базат, Чирчиқбоев, Шодибеков, Твердохлебов, Кузнецов, Кривошеев ва Чернишев.

Энди НКВДнинг 1937 йил 29 сентябридаги қайдига назар ташлаймиз. Россия давлат ҳарбий архивидан юқорида иқтибос келтирилаётган ҳужжатнинг 43-44-саҳифаларида бу ҳақда ёзилган. Унда Ўрта Осиё ҳарбий округидаги 19-тоғ кавалерия дивизияси ҳақида сўз боради. Қайдда ўзбек аксилинқилобий буржуа-миллий марказининг топшириғига кўра дивизияда саботаж ишлари билан шуғулланган аксилинқилобий буржуа-миллий ташкилоти фош этилгани келтирилади. Ҳужжатда бу иш ортидан 29 коммунист партиядан ўчирилгани ҳамда НКВД органи томонидан ҳибсга олинганлар ҳақида маълумот бор. Ҳибсга олинганлар: Наримонов, Ҳамроқулов, Йўлдошев, Шомирбоев, Алиев, Шуқуров, Соипов, Атаев, Ёқубов, Рисқулов. Юқоридаги рўйхатдан фарқли равишда, бунда барчаси миллий ҳарбий кадрлар.

Бу билан чекланиб қолинмайди. Ҳарбий округга қарашли бошқа ҳарбий тузилмаларда ҳам қатағон давом этади. Россия давлат ҳарбий архивидаги ҳужжатда (Л. 5 об-6, Л. 72-73) келтирилишича, Ўрта Осиё ҳарбий округининг 83-тоғ-ўқчи дивизияси 248-тоғ-ўқчи полкида, 21-тоғ кавалерия дивизияси 82-тоғ кавалерия полкида махсус бўлимлар миллатчиликка йўғрилган гуруҳ ёки ташкилотларни фош этади. Гўё зулмат ичидан қора мушукни излагандек.

Алижон САФАРОВ,

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети катта ўқитувчиси, захирадаги полковник

ЖОНСИЗ, АММО СОДИҚ ДЎСТ



Жисмимиз соғлом ва бақувват бўлиши учун турли-туман фойдали моддаларга бой озуқаларни истеъмол қиламиз. Аммо руҳият ва қалбимизни бундай неъматлар билан тўйинтириб бўлмайди. Улар учун соғлом ақл, тоза туйғулар, кенг тафаккур зарур.

Бу зарурий моддалар китоб мутолааси билан бирга ҳосил бўлади. Ўқимишли инсонларнинг руҳияти соғлом, маънавияти бой бўлади. Инсон жисми дори-дармонлар билан даволанганидек, маънавий қашшоқлик китобхонлик, ўқиб-ўрганиш, тафаккур шарофатидан барҳам топади.

XXI аср бошида олимлар инсониятнинг 2000 йиллик тарихидаги қайси бир кашфиётнинг энг буюғи деб эътироф этиш бўйича мунозара қилишди. Дастлаб 350 ихтиро танлаб олинди, кейин бу микдор 150 тага туширилди. Ниҳоят, узоқ тортишувлардан сўнг немис олими Йоганн Гуттенбергининг китоб босиш мосламаси энг зўр ихтиро, деб эътироф этилди. Бугун бир неча ўн, балки юз баробар такомиллашган ушбу мосламанинг шарофатидан китоб жавонларимиз-у кутубхоналар китоблар билан тўлган.

Маърифатли бўлиш учун фақат ўқишнинг ўзи кифоя қилмайди. «Китоб ўқиш маданияти» дейиладиган нозик бир тор борки, унда ҳар ким ўз дидига ва дунёқарашига мос куй чала-

ди. Бу ижронинг ҳам бир неча турлари бор, кимдир шу тор чилини керак бўлгани учунгина кўлига «чолғу» олса, яна кимдир шунчаки дам олиш учун уни эрмак деб билади. Яна бир тоифа инсонлар борки, улар чин маънода бу тордан чиқадиган куй завкини ҳис қилиб, таассуротларини бошқаларга ҳам улаша оладиганлардир. Китобхонлик, энг аввало, ҳар кимнинг ўз дидига боғлиқ. Шунчаки китобни яқунлаш билан китоб очилган вақтда қўйилган мақсадга этиб бўлмайди. Ҳерман Ҳессенинг «Китоблар сеҳри» асаридан парча келтираман: «Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ англамайди...

...Шунчаки дам олиш, вақтни ўтказишни истаган китобхон китобда кўнгилни покловчи, руҳий юксалтирувчи номаълум бир кучни сезади. Бирок, бу кучни аниқ тасаввур этмайди ва баҳолай олмайди. Улар тиббиётдан мутлақо беҳабар хасталарга ўхшайди, яъни айнан қайси дори кераклигини тушунмай ҳар бир қутидагидан тагиб кўра бошлайди. Аслида, ўқиш бора-

сида ҳам ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган, янги куч ва руҳий таъсир берадиган китобларни танлай олиши керак. Ҳар бир китобхонга қанақа китоб ўқиш ва сотиб олиш борасида мустақкам маслаҳат, қондани кўрсатиб бўлмайди. Бу ишда ҳар бир киши ўз дид ва билимига суянмоғи даркор.

Бир неча бор кўпчилик кишилар шахсий кутубхона учун энг зўр 1000 ёки 100 китоб рўйхатини тузишга уринишган ва бундан маъно чиқмайди. Аслида китобхон иккинчи бор мутолаада ҳам яхши таассурот қолдирган китобни албатта сотиб олгани тузук, гарчи у қимматроқ турса ҳам. Юзта энг яхши китоб ёки муаллиф бўлмайди. Энг тўғри, энг аниқ ва умуман инкор этиб бўлмайдиган танқид ҳам йўқ. Кимда ким умум томонидан қабул қилинган қоида ва қолипли фикрларга эмас, ўзининг нозик дид ва юрак амрига қулоқ тутсагина китобларнинг сеҳрли оламини кашф этишга мушарраф бўлади...»

Биз ҳамиша содиқ дўстимизни доимий йўлдош қилсак, у бизга ўз сирларини очишдан тўхтамайди. Маънавий камолотнинг қафолати бўлган бу ҳазина кишини тўғри яшаш ва ҳаётда ўзига мос ўрин танлаб олишга ўргатувчи дарслик, ҳамда инсон учун энг беминнат дўстдир.

Даврон ЭРГАШЕВ

«САҲИҲУЛ БУҲОРИЙ»ДА
РАСУЛИ АКРАМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

*Ишоранинг сабаби
келажакда аниқ бўлди*

VI жилд. 4679-ҳадис. Ибн Саббоқ хабар қилади:

«Зайд ибн Собит Ансорий розияллоху анху ваҳийни ёзиб турувчилардан эди. У шундай деди: «Ямомадагилар ўлдирилганида Абу Бакр менга одам юборди. Ёнида Умар бор экан. Абу Бакр шундай деди: «Умар менга келиб, «Ямома куни жангда одамлар орасида ўлим кўп бўлди. Агар Қуръонни жамламасангиз, қорилар жангларда ўлиб кетаверса, Қуръоннинг қатга қисми йўқолиб кетади деб кўркаман. Менимча, Қуръонни жамлашингиз керак», деди. Сен ёшсан, ақллисан, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга (нозил бўлган) ваҳийни ёзиб юрардинг. Қуръон (оятлари)ни кидириб топиб, уларни жамла!» деди. Аллоҳга қасамки, бундан кўра бир тоғни кўчиришни юклагани мен учун осонроқ бўлар эди. У мени қайта-қайта ундайверди, ниҳоят, Аллоҳ менинг қалбимни ҳам Абу Бакр ва Умарнинг қалбини очган нарсасига очди. Қуръонни суриштириб, уни хурмо пўстлоқлари, қоғоз парчалари, ясси тошлар ва одамларнинг кўксиларидан жамладим. Тавба сурасидаги икки оятни – «**Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, сизнинг машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган Расул келди...**»ни фақат Хузайма Ансорийдан топдим, ундан бошқа ҳеч кимдан топа олмадим».

* Зайд ибн Собит розияллоху анху Умар розияллоху анху ва бошқа саҳобалар билан маслаҳатлашиб, оятларни фақат ёзма равишда қабул қилган ва ҳар бир оятнинг бевосита Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларида битилганига икки киши гувоҳлик беришини шарт қилиб қўйган. Шунинг учун «топмадим» деганда мазкур оятларнинг ёзма нусхасини топа олмагани назарда тутилган. Машҳур қори Убай ибн Каъб розияллоху анху «Бу ерда яна иккита оят бор эди» деса ҳам, ёзувнинг Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларида битилганига Хузайма розияллоху анхундан бошқа гувоҳ тополмай, Зайд розияллоху анху уни Мусхафи Шарифга кирита олмаётган эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бир воқеа устида «**Хузайманинг гувоҳлиги икки кишининг гувоҳлигига ўтади**», деган эдилар ва шу-шу уни «икки гувоҳлик соҳиби» деб аташар эди. Мана шу набавий ишорат шарофатидан Хузайма розияллоху анхунинг бир ўзи икки гувоҳ ўрнида қабул қилинади. Шу тариқа Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг яна бир мўъжизалари намоён бўляпти.

ҚУТЛОВ

БЕКОБОД ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*Жалолiddин Мангуберди издошлари бўлган довьорак
ўғлонларимизни, барча ҳарбийларни
14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ҳамда
Қуролли кучларимиз ташкил этилганлигининг
29 йиллиги шодиёнаси билан самимий қутлайди!*



*Сизлар улус таянчи, қувонч, кўрк, ифтихори,
Сарҳад, қалъаларини кўриқлар посбонлари...*

*Она ватан ҳимояси учун
сизларнинг кўксингиз
доимо қалқондир.
Ўзбекистонимизда
ҳамиша тинчлик ва
осудалик барқарор
бўлсин!*



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ВА ЭНЕРГЕТИКА БОШҚАРМАСИ



*Ватанимиз кўрки
ҳисобланган мард ва
довюрак ўғлонларимиз
ҳамда барча
юртдошларимизни Ватан
ҳимоячилари куни байрами
билан самимий кутлайди!*

*Миллий армиямиз сафларида доимо ҳушёр ва сергак
туриб, сарҳадларимиз дахлсизлигини, ҳудудий
яхлитлигини кўриқлашдан асло чарчаманг!*

*Ким ишонар яхши
тулпор ёмон бўлса,
Ёмон бўлмас тулпор
йўли равон бўлса,
Ўту сувдан омон чиқар
элу Ватан
Йигитларнинг боши
агар омон бўлса!..*



Байрам муборак, азиз ватандошлар!

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

**Ҳуснидин
БЕРДИЕВ**

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-127
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 259 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қогоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

